

## КОЛОРАТИВ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ВОҚЕЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Базарбаев Б.Т

ҚМУ, маситратура босқич талабаси

**Аннотация:** Мазкур мақола колоратив фразеологик берликларнинг воқеланиши хусусиятларин таҳлил қилишга қаратилган. Колоратив фразеологик берликлар (ФБ) ва уларнинг компонентларининг ёрдамида гавдаланиши ўзига хосликларин инглиз тили мисолида таҳлил қилишни максад қилиб қўйғанмиз. Ушбу гурӯҳга «инсоннинг қобилиятини» ифодаловчи ФБ лар ва уларнинг компонентлари танланган ва таҳлилга тортилган.

**Таянч сўзлар:** лисон, фразеологик берлиқ, ранг, имплицит маъно, лингвомаданиятишунослик

**Key words:** linguistic unit, phraseological unit, colour, implicit meaning, cultural linguistics

**Ключевые слова:** языковая единица, фразеологическая единица, цвет, имплицитное значение, лингвокультурология

Фразеологизмлар миллий-маданий хусусиятларини ўрганиш анъанавий характерга эга. Ушбу соҳадаги тадқиқотлар натижалари (анъанавий тилшунослик доирасида олиб борилган) фразеологик бириклар (энг аввало идиомалар) тил миллий берликлари бўлиб, халқнинг маданий имкониятларини тўпловчи берликлар эканлигини тасдиқлайди. Дарҳақиқат, фразеология (унинг идиоматик маркази) миллат нутқий одоби ўзига хослигини ифодаловчи хазина. Шу сабабли ҳам тил ифодаларининг миллий-маданий ўзига хос категорияларига мурожаат қилишни шубҳасиз долзарб, деб ҳисоблаш мумкин.

Қорақалпок ва инглиз лингвомаданиятида аниқ бир предмет вазиятлари билан боғлик образлар, эмоционал баҳолашларнинг ташқаридан қараганда, чалкашликлари мавжуд бўлишига қарамасдан, объектив равишда алохида табиатига эга бўлган мажмуавий белгилар-маданий концептлар ажралиб туради ва изоҳланади.

Ушбу йўналишда кўпгина ФБ лар маъноларини маданият категорияларида шарҳлаш мумкин, бу эса, аслини айтганда, миллий-маданий ёндашувдир. Бошқача айтганда, ФБ лар тил эгаларининг дунёқарашида мотивланган образли тасаввур бўлиб, улар маданий-миллий коннотацияга эга бўлади [95;24-25].

Юқорида таъкидланганлардан ташқари, миллий ўзига хосликни тушунишни иккига ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчисида, миллий-маданий ўзига хослик мазкур тилнинг баъзи ҳодисаларини иккинчи бир тилнинг ҳодисаларига солишириб аникланади. Иккинчисида, тил эгаларининг тасаввурлари ҳақида сўз бориб, ўз тилининг у ёки бу бирликларининг миллий кўрсаткичга эгалиги тўғрисида фикр билдирилади, яъни бошқа тилларга қиёсламаган ҳолда тадқиқот олиб борилади. Бу интроспектив ёндашув деб юритилади [108;86].

Инсонда ранг ҳар хил туйғуларни ўйғотади: ҳаяжонланиш, жўштириш, осойишталик, лоқайдлик, норозилик ва қувонч, совуқ ва иссиқни сезиш кабилар физиологияга ва руҳий ҳолатга таъсир қиласиди. Рангларнинг эмоционал таъсирига кўра инсонлар уларга баъзи бир рамзий маънолар бахш этган.

Қадимдан бошлаб барча ҳалқлар маданиятида севимли ранглар ийғиндиси пайдо бўлган. Миллий ранглар тарихан изоҳданади ва улар анъанавий характерга эга, улар ҳалқлар характери ва темпераментига, ўраб турган табиатига мос бўлади: қизил-сарик-кора ранглар испанларга, оқ-мовий ранглар финларга тинчлик, осудалик рамзи сифатида белгиланган. Инсонларни ўраб турган табиат, ҳалқнинг темпераменти, урф-одат, анъаналари, эстетик нормалари ва диний қарашлари у ёки бу рангнинг кийим-кечак, маиший предметлар, санъат асарларида, нутқида кенг тарқалишига замин яратган; шунингдек, улар ўша ҳалқ идиомаларида, мақол ва маталларида ҳам кенг тарқалган.

Инглиз байробининг миллий ранги қизил, мовий, оқ (америка байроби ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин); эҳтимол шу сабабли ҳам инглиз тилидаги кўпгина фразеологизмлар ушбу ранглар билан боғланган.

Инсонни ифодаловчи фразеологик бирликларларнинг инглиз забон ҳалкларда ҳар хил маъноларда қўлланишини қайд этамиз: «White» рангнинг қадимий рамзий маънолари асосан ижобий: яхшилик, қувонч, тозалик, гуноҳсизлик, ҳалоллик: *whitehope* («истиқболли одам»), *white-haired/white-headedboy* («севимли»), *to be whiter than white* («ниҳоятда ҳалол, одоб-аҳлоқли бўлиш»), *lily-white reputation* («шаънига доғ тушимаган»), *white hands* («ҳалоллик, булғанмаслик, гуноҳсизлик»).

Оқ ранг–олийжаноблик, олий табақалилик, улуғворлик, имтиёзлилик рамзи. Шу сабабли ҳам давлат рамzlари ушбу ранг билан безалган: *Whitehall (Palace)* («Британия давлати резиденцияси ёки давлати»); *White rose* («Йорк қирол уйи рамзи»); *The White House* («АҚШ давлати резиденцияси ёки давлати»); *white-collars* («жисмоний меҳнат билан

шүгүлланмайдиган компания ходимлари»); *white knight* («химоячи»; «боиқа компанияга уни ҳимоя қилиши учун инвестиция ўтказувчи шахс ёки компания») ва б.

Оқ ранг орқали ҳам салбий маъно билдириш ҳолатлари мавжуд: Касаллик, кўркув, чўчиш, ҳаяжон ва б: *to be/look white as sheet (ghost, death)* («ниҳоятда кучли оқарииш (қўрқувдан ёки ҳаяжондан)»); *to be white-hot* («азабланган, тиззаси очиқ даражага етказилган») (қуруқ қўл билан қолмоқ).

«White» ранг билдирувчи компоненти (оқ ранг билан бирга) «тоза», «бузилмаган», «бўзариш», «кордек» сифатлари билан ҳам ассоциация қилинади: *a white wedding* («тўй маросими, унинг барча белгилари келинчакнинг тозалигини билдиради»); *a white hope* («a person expected to achieve much») («катта умидлар берувчи одам»).

### «Blue» компонентли ФБ лар

Мовийранг қирол хукмдорлиги ва аслзодалар оиласидан эканлигини билдиради: *blue blood* («қирол фамилияси вакиллари ёки муҳим тоифадаги кишилар»); *blue book* («АҚШ да давлат мансабларидаги кишилар рўйхати»); *Blue and Light Blue* («Оксфорд ва Кембридж жамоалари»).

Мовий ранг- (консервативлар ранги, шунунгдек, улар содиклик, жиддийлик ва пуритан ахлоқлари билан уйғуллашади); *blue rinse* («жиддий, пуритан турмуш тарзига амал қиласидиган катта ёшли аёл» (бундай катта ёшдаги аёллар сочини мовий рангга бўёш одати бор)).

Аммо бошқа томондан, *blue collars*- жисмоний меҳнат билан банд ходимлар, *blue coat*- «аскар», «матрос», «полициячи», шунингдек, *blue stocking* композити (жиддий предметлар билан қизиқувчи маълумотли аёл).

Кўк ранг, шунингдек, «Энг ғамгин», «жиддий», «хафахон» маъноларини ҳам билдиради. У тинчлантирувчи, баъзан хавф солувчи, эзувчи маъноларида ҳам кўлланилади. Ушбу ранг шубҳа ва депрессияни, ғамгинлик ва маъюсликни ҳам билдиради: *blues* («ам ва ажralиши сезгиси»), *blue devils* («дўистидан айрилиши сезгиси», «дўистидан айрилиши», «депрессия»).

Шундан – *to have (a fit of) the blues* («маъюслик, хунобгарчилик»), *it gives me the blues* («бу менга ғамгинлик олиб келади»), *to be in the blues* («йўлдан адашии», «муваффақиятсизликка учраш»), *until/tillyouareblueinface* («жисмоний ва эмоционал кучи етмаслик»).

Кўк ранг ҳақорат, қўполлик, нотўғриликни ҳам билдириши мумкин: *blue jokes* («тузловчи ҳазиллар»), *blue-sky ideas* («зангари орзулар», «аҳамиятсиз», «тажрибасиз лойиҳалар»), *to turn the air blue* («азабланиш пайтида қўпол ва сўкиш сўзларидан фойдаланиши»), *to talk a blue streak*

(«тўхтосиз гапириши»), *to scream/shout blue murder* («ёввойиларча бақириши»).

Кўк ранг билан баъзан ёвуз кучлар боғланади: *Blue beard* («британча фольклорда «ўз хотинлари қотили» лақаби бор»).

#### «Red» компонентли ФБ лар

Қизил ранг кишилар онгида қон, олов, қуёш ва бошқалар билан ассоциация қилинади. Қадимги мифларда қизил ранг билан инсоннинг яратилиши боғланади. Қизил рангнинг дастлабки маънолари-бу хаёт, муҳаббат ва никоҳ бўлиб, ушбу ҳодисаларга нима ҳамроҳлик қилса, уларнинг барчаси ушбу маъноларда ўз аксини топган: *red-blooded* («тўлақонли», «ҳаёт барҳаётлиги», «сексуал фаол»), *red-hot* («туйғулилик», «оташинлик»), *red-hot matma* («эқтиросли аёл»), *red-streak* («қизил олма каби қиз»).

Қизил ранг яна қуидаги мавзуларни акс эттиради: *худога хизмат қилиши*: *red-cap (hat)* («кардинал»); бизнес-фаолият: *red coat* («дам олиш лагерларида кўнгил очар машғулотларни ташкил қилувчи шахс»).

Red-қизил ранг компоненти «саломатлик», эмоциянинг кучи ва тобланганлигини билдирувчи ФБ ларда фаол қўлланилади: *as red as a cherry (arose)* («қизил», «қон сут билан»); *as red as a turkey cock (a lobster)*, («жисқичбақадек қизил»); *red blood* («жисмоний куч», «жасоратлилик», «жасурлик»); *red with anger* («азабдан қизариб кетган»); *red as a beet* («уялганидан қизармоқ», ёвузликдан).

#### «Black» компонентли ФБ лар

Black-қора сифати «қора», «ёвуз» «хунук кўринмоқ», «ёмон кайфиятда» маъноларини билдиради: *black dog* («қайғу», «ёмон кайфият», «замгинлик»), *black and blue* («бутунлай кўкарган»), *black and tan* («қизғиши қора куюқ»), *black eye* («ўйилган кўз»; «уят, яра»), *black as sin (thunder, thunder cloud)* («қайғули булутлар»), *black as ink* («қурум каби қора»); «замгин», «хафа», *black in the face* («тўқ қизил» (ачилқаниш ёки тушикунликдан)) ва б.

Бирор ишлаб чиқариш фаолияти қатнашчилари алоҳида гуруҳни ташкил этади, уларнинг номланишида салбий коннотация қатнашади: *black gang* («ўт ёқувчи» -денгиз сленгиди), *black hand gang* («бандитлар» - (каллакесарлар) шайкаси- умумий сленгда).

#### «Green» компонентли ФБ лар

Инглиз фразеологиясида *green* сифати табиат, ёшлиқ, тажрибасизлик рамзи сифатида қайд қилинади: *as green as grass* («ниҳоятда ёш, «тажрибасиз», «гўдак»).

Шунингдек, унинг рашик (*green-eyed* («рашкчи»)), ҳасад (*green with envy* («ҳасаддан ёрилай дейди»)) каби маънолари мавжуд: Brown-жигар ранги рамзий тарзда «маъюслик» ва «депрессия» маъноларини

бидиради; brown study («чуқур фикр-ўй», «тушкун кайфият», «ғамгин, (ўй, фикр»);

grey-кулранг ранги катта ёшли киши ва донолик, майший-турмуш муносабатларини ифодалашда иштирок этади: *grey hairs* («қарилик»), *қиёс:greybeard* («чол»); *grey mare* («ўз эрини этик ичида сақловчи хотин»).

*Purple*-бинафша ранг компоненти ўз лексик маъноси таркибида «яхши» коннотатив маъносини ҳам жамлайди: *born to the purple* («аслзода жинсидан»).

Шундай қилиб, ранг рамзи миллий хусусиятлар билан тиғиз боғланган ва менталитетни билдириш воситасидир.

Инглиз тилида ранг билдирувчи компонентга эга ФБ лар кенг тарқалган ва олам лисоний манзарасининг ўзига хослигини билдиради. Ушбу ҳол инглиз маданиятида кўпгина предмет, ҳодиса, жараёнларнинг миллий аҳамиятга эга нарсалар эканлигини кўрсатади, предметлар фаолиятларини, ҳалқ турмуш тарзини ва мазкур ҳалқнинг миллий маданиятини акс этиради.

Фразеологик маънонинг ижобий, салбий ва нейтрал компонентлари ажратилади. Улар асосида бирор ҳодисани қоралаш, маъкуллаш ёки бирор ҳодисага ижтимоий барқарорлашган баҳони қайд этиш тарзидаги аниқ муносабат ҳолатлари ифодаланади. Шунга мувофиқ, инсон ҳарактерини билдирувчи, таркибида дифференциал сифат компонентига эга бўлган ФБлар З та асосий гурухга тақсимланди. Қиёсланаётган тилларда мазкур гурухлар ижобий, салбий ва нейтрал баҳолаш маъноларига эга ФБ сифатида тақсимланди.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:**

1. Карасик В.И. О категориях лингвокультурологии // Языковая личность: проблемы коммуникативной деятельности.- Волгоград: Изд-во ВГПИ, 2001.- С. 3-16
2. Kdyrbaeva, G. K. (2021). VERBALLATION OF CONCEPTUAL FIELD UNITS AS “MAN”-“ADAM” IN FOLKLORE TEXTS. *Theoretical & Applied Science*, (3), 388-390.
3. Корнилов О.А. Языковая картина мира как производные национальных менталитетов.- М.: Че Ро, 2003.- 347 с.
4. Маслова В.А. Homolinguistic culture.- М.: ИТДГК «Гнозис», 2007.- 175с
5. Маслова В.А. Лингвокультурология.- М.: Изд. Центр Академия, 2001.- 14-15 б.
6. Федулянкова Т.Н. Английская фразеология.- Архангельск: АГУ, 2000.- 192 с